

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

647 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 27 октябрдаги ПФ–4761-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПК–2422-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 27 октябрдаги ПФ–4761-сон Фармонига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПК–2422-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Вазирликлар ва идоралар ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирсинлар.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 25 декабрь,
372-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 25 декабрдаги 372-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 декабрдаги 532-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия инспекторлари тўғрисидаги Низом 1-бандининг тўртинчи хатбошидаги «устав жамғармасида камида 51 фоиз давлат улуши бўлган, уларга техник пахта чигити етказиб бериш назарда тутилган ёғ-мой тармоғи корхоналари рўйхатига» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг ёғ-мой тармоғини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 7 сентябрдаги ПҚ–1401-сон қарорига 1-илова) сўзлари «Пахта терминаллари ва ёғ-экстракция корхоналарининг қувватлари билан мувофиқ бўлган пахта тозалаш корхоналари рўйхатига» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ–2422-сон қарорига 6-илова) сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори 4-бандининг «а» кичик банди иккинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) «компаниялари» сўзи «Ўзпахтаэкспорт» АЖ сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика пахта тозалаш саноатини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 252-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 29-модда):

- а) 1, 3 — 6, 11, 13 ва 14-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- б) 8-бандда:

биринчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмалари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаларининг» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 10-банднинг биринчи хатбошидаги «ва «Пахтасаноат» АЖнинг ҳудудий акциядорлик бирлашмалари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ва унинг ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1, 1а, 2, 4, 5, 6, 10, 11-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

- д) 7-иловада:

илованинг номидаги ва 1-банддаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиалининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандда:

«Ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тўғрисидаги намунавий низомга» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ Уставига ва унинг ҳудудий филиали тўғрисидаги низомга» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг қарорларига ва» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ва унинг ҳудудий филиалининг қарорларига, шунингдек» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг саккизинчи хатбошидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмасига бериш» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ филиалига бериш» сўзлари билан алмаштирилсин.

5-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «ҳудудий бирлашма ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ва унинг ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи, ўн саккизинчи, йигирманчи ва йигирма биринчи хатбошилардаги «ташқи савдо компанияларига» сўзлари «Ўзпахтаэкспорт» АЖга» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма бешинчи хатбошидаги «ҳудудий бирлашма» ва «Ўзпахтасаноат» уюшмасига беради» сўзлари тегишли равишда «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали» ва «Ўзпахтасаноат» АЖга беради» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма саккизинчи хатбошидаги «бирлашма» сўзи «Ўзпахтасаноат» АЖ филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг бешинчи хатбошидаги «акциядорлик бирлашмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банддаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раисининг» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали директорининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банддаги «ҳудудий акциядорлик бирлашмаси бошқарувининг раиси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиалининг директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги «акциядорлик бирлашмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 9-иловада:

схемадаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

иловада:

1-бандда:

«Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашма-

си» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасидан» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиалидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда:

биринчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг» ва «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси» сўзлари тегишли равишда «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиалининг» ва «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси» ҳамда «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси» сўзлари тегишли равишда «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали» ҳамда «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

биринчи ва тўртинчи хатбошилардаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси» ҳамда «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси» сўзлари тегишли равишда «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали» ҳамда «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи, учинчи ва еттинчи хатбошилардаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг иккинчи хатбошидаги «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмасига» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ филиалига» сўзлари билан алмаштирилсин;

«в» кичик банддаги «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилардаги «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмалари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда) 1-илованинг 22-сатридаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-банди иккинчи хатбошидаги «компанияси» сўзи «Ўзпахтаэкспорт» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низомнинг 41-бандидаги «ташқи савдо компаниялари» сўзлари «Ўзпахтаэкспорт» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта чигити ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 31 мартдаги 93-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 17-модда) 8-бандидаги Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ўз таркибига кирадиган корхоналар ҳамда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази билан биргаликда» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК ўз таркибига кирадиган ташкилотлар ҳамда «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази билан биргаликда» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 июндаги 124-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Моддий балансларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловада:

а) 5-банднинг «б» кичик банди олтинчи хатбошидаги «ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари ва «Ўзпахтаэкспорт» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 23-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 25-банддаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» ва «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тизими» сўзлари тегишли равишда «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси ва «Ўзпахтаэкспорт» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 27-банддаги ва 30-банднинг биринчи хатбошидаги «Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси» ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари тегишли равишда «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» ва «Ўзпахтасаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 18 сентябрдаги 199-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 69-модда):

а) 2-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 4-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўзпахтаёғ» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) иловада:

25-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

32-банднинг иккинчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик жамиятининг» сўзлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти ҳудудий филиалларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

48-банддаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўзпахтаёғ» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ишлаб чиқарилаётган пахта мойи сифатини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 4 сентябрдаги 200-сон қарорида:

а) 3 ва 4-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Белгилансинки, техник чигитларга улгуржи-сотиш нархлари уларнинг навлари ва класс ҳисобга олинган ҳолда табақалаштирилиб «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

4. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга мувофиқ пахта мойи чиқиши нормативлари ҳар йили селекция навлари бўйича пахта хом ашёси тайёрлашнинг ҳақиқий ҳажмлари ва чигитнинг Ўзбекистон «сифат» маркази томонидан аниқланадиган мойдорлиги ҳисобга олинган ҳолда республика минтақалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси билан биргаликда белгиланади»;

б) 5-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги» ва «Сифат» Ўзбекистон маркази билан биргаликда қуйидагиларни таъминласин:

в) 1-илованинг I бўлимида, 1, 3-бандларида ва II бўлими 4-бандининг 4.2-кичик бандида, IV бўлимининг 1-бандида, V бўлимининг 1, 3 ва 4-бандларида ҳамда VI бўлимидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари тегишли равишда «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти» ва «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 апрелдаги 116-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 30-модда) билан тасдиқланган Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборотлар рўйхатининг 28 ва

31-бандларидаги «Масъуллар» устунидagi «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари тегишли равишда «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган 11-банд Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорлари «Молиялаштириш манбаи» устунидagi «уюшмаси» сўзи «АЖ» аббревиатураси билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта толасини сотишнинг ички ва амалдаги нархлари ўртасидаги ижобий тафовутдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини жамлаш ва улардан фермер хўжаликларининг фойдаланиши тартиби тўғрисида» 2011 йил 4 февралдаги 30-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 7-модда):

а) 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

3-бандда «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари ташкилотларига» сўзлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти ҳудудий филиалларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. 23226-махсус ҳисоб рақамларининг очилишига қонун ҳужжатларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари етишмаганда уларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги талаби татбиқ этилмайди»;

5-банддаги «Уюшма» сўзи «АЖ» аббревиатураси билан алмаштирилсин;

6-банддаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандда:

биринчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари» сўзлари тегишли келишиқда «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиали» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

устунлар номларидаги «Ҳудудий акциядорлик бирлашмалари», «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси» сўзлари Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-устун матнидаги «_____ ХАБ» аббревиатураси чиқариб ташлансин;

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-иловада:

илованинг номидаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

устунлар номларидаги «Ҳудудий акциядорлик бирлашмалари», «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-устун матнидаги «_____ ХАБ» аббревиатураси чиқариб ташлансин;

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-иловадаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари» ва «Пахтасаноат» ХАБ раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Ўзпахтасаноат» ҳудудий филиалига» ва «Ўзпахтасаноат» ҳудудий филиали директори» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 23 мартдаги 84-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Бошқарув аппаратлари тузилмасида инвестиция лойиҳаларини комплекс бошқариш бўлини фаолият кўрсатиши лозим бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, шунингдек йирик корхоналар рўйхатининг 9-сатрида «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, идоралар аппаратининг, хўжалик бирлашмалари, уларнинг идоравий мансуб корхоналари ва хўжалик фаолияти ҳисобига молиялаштириладиган бошқа ташкилотларнинг хизмат енгил автомобилларининг чекланган сони 3-банднинг «Бўлинма» устунидagi «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тас-

диқлаш ҳақида» 2012 йил 11 апрелдаги 106-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 25-модда) 2-банди ва 3-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 августдаги 214-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) Устави 8-бандининг учинчи хатбошидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги 218-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 8-сон, 52-модда) билан тасдиқланган Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хўжаликларига контрактация шартномасидан ортиқча топширилган пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжара) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 10 ва 11-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг ҳудудий филиали, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, ҳудудий Фермерлар кенгаши билан биргаликда туман ҳокимликлари томонидан тақдим этилган фермер хўжаликлари реестрларини умумлаштирадилар ва тасдиқлайдилар ҳамда жорий йилнинг 15 декабригача уни ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича «Ўзпахтасаноат» АЖга (шу жумладан ҳужжатнинг электрон версиясини) юборадилар.

11. «Ўзпахтасаноат» АЖ фермер хўжаликлари реестри олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ушбу реестрни умумлаштиради ва йиғма реестрни «Ўзпахтаёғ» АЖга (шу жумладан ҳужжатнинг электрон версиясини) юборади»;

б) 12-банднинг биринчи хатбошидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси «Ўзпахтасаноат» уюшмаси томонидан тақдим этилган фермер хўжаликлари реестрлари асосида» сўзлари «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган фермер хўжаликлари реестрлари асосида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 13-банддаги биринчи хатбошидаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 14-банддаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 19-банддаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасига» сўзлари «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамиятига» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) I-илованинг «IV босқич», «V босқич» ва «VI босқич» позициялари

«Тадбирлар» ва «Масъуллар» устунлари матнидаги тегишли келишиқдаги «Пахтасаноат» ХАБ», «Ўзпахтасаноат» уюшмаси», «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси» сўзлари тегишли равишда тегишли келишиқдаги «Ўзпахтасаноат» АЖ», «Ўзпахтаёғ» АЖ» ва «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиаллари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 3-иловадаги «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси раҳбари» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 4-иловадаги «Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси» сўзлари «Ўзпахтаёғ» акциядорлик жамияти бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 апрелдаги 80-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 4-сон, 33-модда) билан тасдиқланган Суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 4-банддаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5, 6, 7, 10, 12, 13 ва 16-бандлардаги «уюшмаси» сўзи «АЖ» аббревиатураси билан алмаштирилсин;

в) 1-илова «Ўза ва бошоқли дон экинлари уруғлари учун» бўлимининг «Масъуллар» устунда:

«1-босқич» позициясидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси» сўзлари «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«2-босқич» позициясидаги «уюшмаси» сўзи «АЖ» аббревиатураси билан алмаштирилсин;

«5-босқич» ва «6-босқич» позициялардаги «уюшмаси» сўзи «АЖ» аббревиатураси билан алмаштирилсин;

г) 2-иловадаги «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси вакили» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиали вакили» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 июндаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 6-сон, 52-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисидаги низомнинг 10-банди ўн олтинчи хатбошидаги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, пахта тозалаш корхоналари ва ҳудудий бирлашмалар мансабдор шахсларига» сўзлари «Ўзпахтасаноат» АЖ, унинг ҳудудий филиаллари ва пахта тозалаш корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 25 декабрдаги 372-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш давлат-акциядорлик уюшмаси («Ўздавпахтасаноат-сотиш»)нинг Уставини тасдиқлаш тўғрисида» 1993 йил 15 февралдаги 84-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 2-сон, 6-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги 252-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 2 январдаги 1-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарорига илованинг 20-банди.